2013 йил 1 август, пайшанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 151 (12.462)

Баҳоси эркин нархда

# «ЎЗБЕК ХАЛҚИГА ТИНЧЛИК ВА ОМОНЛИК КЕРАК» РИСОЛАСИ ЖАҲОН ЖАМОАТЧИЛИГИ ЭЪТИБОРИДА

***Бугунги кунда халқаро вазиятнинг шиддат билан ўзгариши, давлатлараро зиддиятларнинг кучайиши, кескинликнинг янада ортиши, ер юзининг турли нуқталарида янги низо ўчоқларининг пайдо бўлиши – айни мана шундай ўткир масалалар жаҳон жамоатчилигида катта ташвиш ва хавотир уйғотмоқда.***

Бу фикримизга қўшни Афғонистондаги ўттиз йилдан зиёд давом этаётган уруш ва қон тўкишлар яққол мисол бўла олади. **Бугун, орадан шунча вақт ўтишига қарамасдан, Афғонистондаги мавжуд вазиятни кўпчилик халқаро сиёсатчилар ночор, ўта оғир ва қалтис,** деб баҳоламоқда.

Ушбу мамлакатдаги вазият бизнинг ҳудудимиз, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликка энг катта хавф-хатар бўлиб қолмоқда.

Бу можаронинг ечимини топиш, жафокаш афғон заминида тинч ва осуда ҳаётни қарор топтириш масаласи Ўзбекистон ва қўшни мамлакатлар, қолаверса, дунёдаги кўпгина йирик давлатларнинг эътибор марказида бўлиб келаётгани, ўттиз йилдан ортиқ тарих давомида бу минтақада қанча-қанча қон тўкилгани, миллионлаб одамлар бошқа ўлкаларда қочоқ бўлиб кун кечираётгани, минглаб кишилар бедарак йўқолгани, қанча маблағ ва саъй-ҳаракатлар сарфлангани ҳақида кўп гапириш мумкин.

Афғонистон заминидаги уруш алангаси ён-атрофдаги мамлакатлар, эл-юртимиз учун қандай катта хавф-хатар ва нотинчлик туғдиргани ҳеч кимга сир эмас.

Шу боис, Ўзбекистон мустақилликка эришган биринчи кунларданоқ «Қўшнинг тинч – сен тинч», деган азалий халқ ҳикматига амал қилиб, афғон можаросини тинч йўл билан ҳал этиш ҳаракатида бўлиб келаётгани, бу муаммо доимо бизнинг эътиборимиз марказида тургани, давлатимиз раҳбарининг нуфузли халқаро минбарларда бу қарама-қаршиликни бартараф этиш мақсадида жон куйдириб, дунё ҳамжамиятига такрор ва такрор мурожаат қилгани барчамизга яхши маълум.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов бундан йигирма йил аввал, яъни, 1993 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида Афғонистон можаросини жаҳон ҳамжамияти ёрдами билан ҳал этишга чақирди;

1995 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг 50-сессиясида Афғонистонга қурол-яроғ киритилишига қарши халқаро эмбарго қўйиш таклифи билан чиқиб, бу мамлакатнинг ички ишларига ташқи кучларнинг аралашувига чек қўйиш зарурлигини таъкидлади, Афғонистонда коалицион ҳукумат тузиш моделини таклиф этди;

1997 йили мамлакатимиз раҳбари афғон муаммосини ҳал қилиш учун «6+2» мулоқот гуруҳини ташкил этиш ташаббуси билан чиққани ва 1999 йили мазкур гуруҳнинг Тошкент учрашуви бўлиб ўтганидан барчамиз хабардормиз.

2001 йилда Президентимиз БМТ Бош котибига йўллаган мурожаатида Афғонистонни демилитаризация қилиш масаласини БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши кун тартибига қўйиш таклифини илгари сурди;

2008 йилда НАТОнинг Бухарест саммитида БМТ шафелиги остида «6+3» мулоқот гуруҳини ташкил этиш таклифи билан чиқди.

Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

Ана шундай муҳим ҳужжатлар қаторида давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолият концепцияси ва шу асосда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Қонуни минтақамизда тинчлик ва барқарорликни сақлаш ва мустаҳкамлаш йўлида ғоят муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлаш лозим.

Президентимиз 2013 йил 9 майда Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан оммавий ахборот воситаларига берган интервьюсида ўз эътиборини яна бир бор Афғонистондаги мавжуд воқеликка қаратиб, ушбу муаммонинг нақадар жиддийлиги ва унинг ечими бўйича қандай амалий ҳаракат ва чора-тадбирлар зарурлиги хусусида сўз юритди.

Юртбошимизнинг ана шу интервьюсини ўз ичига олган, ўзбек ва инглиз тилларида чоп этилган «Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак» рисоласи бугунги кунда нафақат мамлакатимиз, балки жаҳон жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотмоқда, кенг муҳокама қилинмоқда.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаб ўтганидек, **Афғонистондаги мавжуд ўта оғир ва таҳликали бир вазиятда АҚШ ва Европа давлатларининг АЙСЕФ, яъни тинчлик ўрнатиш кучлари деб ном олган ҳарбий қўшинларининг 2014 йилнинг охиригача ушбу мамлакат ҳудудидан олиб чиқиб кетилиши билан Афғонистонда ўзаро қарама-қарши кучлар ўртасидаги курашнинг авжига чиқиши, террорчилик, қурол-яроғ савдоси, наркотрафик, турли диний, миллатлараро низоларнинг кучайиб, фуқаролар урушининг яна қайтадан бошланиш хавфи ортади.**

Президент Ислом Каримов **афғон можаросини бартараф этишнинг ягона йўли – сиёсий йўл бўлиб, қанчалар қийин бўлмасин, қарама-қарши кучларни музокаралар орқали ўзаро келишувга олиб келиш экани тобора ўз тасдиғини топаётганлигини алоҳида таъкидлади. Айни шу аснода вақтинчалик ҳукумат тузиш, сайловлар ўтказиш, Афғонистон олдида турган оғир муаммоларни ҳал этишга ўтиш имкони пайдо бўлишини бугунги кунда кўпчилик эътироф этмоқда.**

Юқорида зикр этилган Ўзбекистон Республикаси Ташқи сиёсий фаолият концепциясида мамлакатимиз **«тинчликсевар сиёсат юритади ва ҳарбий-сиёсий блокларда иштирок этмайди»,** деб аниқ-равшан баён қилинган. **«Ўзбекистон қўшни давлатлардаги қуролли можароларга ва кескинлик ўчоқларига тортилишининг олдини олиш юзасидан барча зарур чора-тадбирларни кўради, шунингдек, ўз ҳудудида хорижий давлатларнинг ҳарбий базалари ва объектлари жойлаштирилишига йўл қўймайди», дея таъкидланади.**

Шу борада мамлакатимиз раҳбарининг мазкур концепцияга асосланган ҳолда билдирган қуйидаги фикрларини келтириш ўринлидир: **«Ўзбекистон Афғонистоннинг ички ишларига аралашмаслик, Афғонистонга қарши қаратилган турли ҳарбий-сиёсий блокларда қатнашмаслик, Афғонистон билан алоқаларимиз ва ҳамкорлигимизни фақатгина икки томонлама асосда ташкил қилиш, афғон халқи танлаган ҳукуматни қўллаб-қувватлаш сиёсатини ўзига маъқул топади».**

Бундай қатъий, шу билан бирга, узоқни кўзлаган, чуқур ўйланган сиёсатни олдинга суриш учун Афғонистоннинг яқин қўшниси бўлмиш Ўзбекистонда барча асослар бор. Авваламбор, бу **Афғонистон билан узоқ тарихий ўтмишга бориб тақаладиган яхши қўшничилик, ўзаро ҳурматга асосланган алоқаларимиз, мамлакатимизнинг Марказий Осиёда тутган алоҳида ўрни ва минтақамизда тинчлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган ва жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилган мустаҳкам ва собитқадам ташқи сиёсатидир.**

Айнан мана шу омиллар сабаб, «Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак» рисоласида минтақамиз ва унинг атрофида рўй бераётган кескин ўзгаришлар таҳлили, Афғонистондаги вазият ва афғон муаммосини ҳал этиш борасида билдирилган амалий хулоса ва таклифлар бугун нафақат мамлакатимизда, балки **халқаро майдонда ҳам кенг акс-садо бермоқда.** Чет давлатларнинг сиёсий-ижтимоий, эксперт ва илмий-академик доиралари, оммавий ахборот воситалари ва халқаро ташкилотлар томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда ва баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда.

Энг аввало, давлатимиз раҳбарининг фикрларига бевосита Афғонистоннинг ўзида катта қизиқиш кузатилмоқда. Президентимизнинг интервьюси ушбу давлатнинг етакчи оммавий ахборот воситаларида **инглиз, дари ва ўзбек тилларида нашр этилди.** Жумладан, Афғонистоннинг етакчи **«Daily Outlook Afghanistan»** газетаси, **«Сахро»** ижтимоий-сиёсий журнали интервьюнинг тўла матнини «Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак» сарлавҳаси остида чоп этди.

Ислом Каримов интервьюси Афғонистон билан қўшни бўлган Покистоннинг **«Balochistan today»** ва **«Ittihad»** газеталарида, Эроннинг **«Iran News»** газетасида ва Хитойнинг **«Lookwe»** журналида, АЙСЕФ иштирокчилари бўлмиш АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Италия, Бельгия, Латвия, Туркия ҳамда мусулмон дунёсида ўз мавқеига эга бўлган Саудия Арабистони, Кувайт, Малайзия ва бошқа давлатларнинг босма ва электрон нашрларида кенг ёритилди.

Таъкидлаш жоизки, хорижий оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган мақолаларда **Ўзбекистоннинг Афғонистонда тинчлик ва барқарорликнинг ишончли тарафдори экани ва ушбу мақсадлар учун фаол сиёсий-дипломатик саъй-ҳаракат кўрсатаётганлиги алоҳида урғуланмоқда.** Энг муҳими, **барча нашрлар Ўзбекистоннинг принципиал позицияси – Афғонистондаги низони бартараф этишнинг ягона йўли – сиёсий йўл эканлигини тўлалигича қўллаб-қувватлаган ҳолда, мазкур муаммонинг ечимига ўзаро курашаётган қарама-қарши томонларни музокаралар столи атрофига тўплаш ва уларни муросага олиб келиш орқали эришиш мумкинлигини эътироф этишмоқда.**

Интервьюда Президент Ислом Каримов томонидан Афғонистон борасида билдирилган фикр ва таклифлар жаҳоннинг етакчи сиёсатчилари, эксперт ва олимлари томонидан ҳам қизғин муҳокама этилиб, юқори баҳоланмоқда.

Жумладан, **АҚШнинг Жон Хопкинс университети қошидаги Марказий Осиё ва Кавказ институти раҳбари Фредерик Старрнинг** таъкидлашича, Президент Ислом Каримов Афғонистондаги вазиятни «ўта оғир ва нозик» дея, аниқ ва равшан таҳлил этди. **Бугунги кунда афғон муаммосини ҳарбий йўл билан ҳал этиб бўлмаслигини реал фикрлай оладиган ҳар бир инсон тушуниб етмаслиги мумкин эмас.**

**Нью-Йорк давлат университети профессори П.Морвиж** Афғонистондан чет эл ҳарбий кучларининг олиб чиқиб кетилиши бу мамлакатдаги вазиятни тангликка олиб келиши мумкинлигини қайд этган ҳолда, Президент Ислом Каримовнинг бу борадаги сўзларини **ўз халқининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш ҳақида қайғурадиган чинакам давлат раҳбарининг ҳаракатидир,** деб изоҳлайди. Мана шу сабаб, Ислом Каримов Афғонистондаги асосий кучларни ўзаро қарама-қаршиликларни музокаралар столи атрофида ечишга, ҳарбий тўқнашувларнинг янгитдан авж олиб кетмаслигига ва ушбу давлатдаги беқарорликнинг қўшни давлатларга тарқалишининг олдини олишга чақирмоқда, дейди П.Морвиж.

**АҚШнинг Карнеги фонди эксперти М.Олкотт** Ўзбекистон афғон муаммоси атрофидаги ўзгаларнинг ўйинларига қўшилмаслигини ва жанубдаги қўшниси билан муносабатларини фақатгина икки томонлама асосда, ички ишларга аралашмаслик, тинчликсеварлик ва яхши қўшничилик принциплари асосида қуришини ижобий баҳолайди.

Америкалик мутахассис Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган электр энергиясининг Афғонистонга етказиб берилиши ушбу давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий тикланишига улкан ҳисса қўшаётганини таъкидлайди. Икки давлатни боғлаб турувчи темир йўл ҳамда тезюрар автомобиль йўлларининг барпо этилиши Афғонистон иқтисодиётини тиклашда муҳим аҳамият касб этаётганига эътиборини қаратади.

М.Олкотт, **«Ўзбекистон, шубҳасиз, бундан кейин ҳам ўзининг икки томонлама муносабатлари доирасида Афғонистонни иқтисодий ва ижтимоий тиклаш жараёнида муҳим роль ўйнайди»,** дея ишонч билдиради.

**Британия – Ўзбекистон жамияти раиси лорд Ф.Понсонби** Ўзбекистон раҳбарияти Афғонистондаги ҳозирги вазиятни чуқур англаши ва уни келажакдаги ривожи борасида қайғураётганини таъкидлаган ҳолда, Ислом Каримов томонидан илгари сурилган БМТ шафелиги остида «6+3» мулоқот гуруҳининг ташкил этилиши афғон муаммосини тинч йўл билан ҳал қилинишида муҳим роль ўйнаган бўлур эди, деб ҳисоблайди. Британиялик сиёсатчининг фикрича, Афғонистондаги ўтиш жараёнида ва бу мамлакатда тинчлик ва барқарорликни таъминлашда барча қўшни давлатларнинг иштироки катта аҳамият касб этади.

**Буюк Британиянинг Кембриж университети профессори С.Саксенанинг** қайд этишича, Президент Ислом Каримов ўта чигал ва мураккаб ҳисобланмиш афғон муаммосини тинч йўл билан ҳал этиш учун батамом янгича концептуал ёндашувни таклиф этиб, уни содда, лўнда ва кучли мантиққа таянган ҳолда баён этди. Хусусан, **Ўзбекистон раҳбари асосий эътиборни афғон халқи ва жамиятини жипслаштиришга қаратиш, ҳар қандай шароитда ҳам, авваламбор, афғон халқининг иродасига таяниш лозимлигини таъкидлади.** Айнан мана шундай ижобий ёндашувгина Афғонистонда неча ўн йиллардан буён давом этаётган зўравонлик ва қон тўкилишини тўхтатиши мумкин, деб ҳисоблайди олим.

С.Саксенанинг сўзларига кўра, «Афғонистон, ўз назорати ва гегемониясини ўтказишга ҳаракат қилаётган бошқа давлатлардан фарқли ўлароқ, **Ўзбекистондек тинчлик ва ҳамкорликка чорлаётган ишончли қўшниси борлигидан фахрланса арзийди».**

«Менга Ислом Каримовнинг Хотира ва қадрлаш кунида билдирган фикрлари, айниқса, уруш инсоният учун нақадар даҳшатли қирғин экани, бу офатнинг олдини олиш ва тинчлик-осойишталикни асраш дунёдаги ҳар бир инсоннинг бурчи эканини куюниб айтган сўзлари ниҳоятда қаттиқ таъсир қилди, – дейди **германиялик эксперт Ф.Лемке.** – Ўзбекистоннинг тинчликсевар ташқи сиёсат юритиши, дунёни қайтадан бўлиб олишга интилаётган давлатларнинг турли хил геосиёсий ўйинларида иштирок этмаслиги ҳам менда катта таассурот қолдирди».

Ф.Лемкенинг фикрича, **Ўзбекистон Президентининг «тинчликсиз ривожланиш бўлмайди, ривожланишсиз эса келажак ҳам бўлмайди» деган сўзларини ҳеч ким инкор эта олмайди.** Шундай экан, Ислом Каримовнинг ўз халқига, қўшни халқлар ва жаҳондаги барча давлатларга Афғонистонда тинчлик ўрнатиш ҳақидаги чақириғи эзгулик ва ривожланишга қаратилган таклифларни қўллаб-қувватлаш нақадар муҳим эканлигини, ҳарбий йўл билан ҳеч қандай муаммони ечиб бўлмаслигини англатади.

«Президент Ислом Каримов Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий принципларини мамлакат мустақиллигининг 22 йиллик байрамини нишонлаш арафасида яна бир бор очиқ ва равшан баён этди», – дейди Францияда жойлашган **Европа келажаги ва хавфсизлигини тадқиқ қилиш институти раҳбари Э.Дюпюи.** Мутахассиснинг сўзларига кўра, **Ўзбекистоннинг ҳар қандай ҳарбий-сиёсий блокларда ва ҳарбий интервенцияларда иштирок этмаслик принципи қонуний асосга эга.** Тошкентнинг бундай стратегияси Афғонистон билан икки томонлама ҳамкорлигини янада ривожлантиришга ёрдам беради, дея ишонч билдиради Э.Дюпюи.

Францияда чиқадиган **«Les milieux des empires» таҳлилий журналининг бош муҳаррири С.д'Изарннинг** таъкидлашича, Ислом Каримов интервьюси Ўзбекистон раҳбариятининг Афғонистондаги вазият борасида билдираётган асосли ташвишлари билан бирга, ҳар қандай шароитда ҳам Ўзбекистоннинг ушбу давлат билан яхши қўшничилик алоқаларига таянадиган қатъиятли позициясини кўрсатади.

2014 йил охирида АЙСЕФ қўшинларининг Афғонистондан олиб чиқилиши вазиятни янада кескинлаштириб юбориши мумкинлигини инобатга олган ҳолда, С.д'Изарн ушбу муддатга қадар **Президент Ислом Каримовнинг умумафғон сиёсий музокараларини бошлаш ва зарурий келишувларга эришиш кераклиги ҳақидаги фикр ва таклифлари жаҳон ҳамжамияти томонидан сўзсиз қўллаб-қувватланиши лозим,** деб ҳисоблайди.

**Бельгия Сенати аъзоси Доминик Тильманс** «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюсида шундай деди: «Мен Ўзбекистон Президентининг Марказий Осиёда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга қаратилган интилишлари билан мутлақо ҳамфикрман. Албатта, минтақадаги вазият оддий эмас. Бу борада **Ўзбекистоннинг турли ҳарбий блокларга кирмаслик ва уларда қатнашмаслик позицияси мутлақо тўғри ва долзарбдир».**

«Биз Ислом Каримовнинг Хотира ва қадрлаш кунида Ўзбекистон Афғонистонга нисбатан икки халқнинг туб манфаатларидан келиб чиққан ҳолда сиёсат олиб боради, деган сўзларини тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз», дея таъкидлайди **Хитойнинг Ижтимоий фанлар академияси ҳузуридаги Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиёни тадқиқ этиш институти ходими Су Чан.**

Мутахассиснинг фикрига кўра, Хитой ва Ўзбекистон Афғонистоннинг қўшнилари сифатида ушбу мамлакатдан коалицион кучларнинг чиқиб кетишидан сўнг юзага келиши мумкин бўлган салбий вазият борасида жиддий ташвишланмоқда. «Биз **Афғонистон муаммоси фақат афғон халқи томонидан ҳал этилиши,** ҳар қандай ташқи кучларнинг аралашуви эса бу мамлакатдаги аҳволни янада оғирлаштириши ва минтақавий хавфсизликка салбий таъсир кўрсатиши мумкин, деб ҳисоблаймиз. Шу билан бирга, Афғонистонга кўрсатилаётган иқтисодий ва гуманитар ёрдамни янада кучайтириш зарур», – дейди Су Чан.

**Япониянинг Шарқий Осиё тадқиқотлари институти директори У.Магосакининг** фикрича, Ўзбекистоннинг минтақавий хавфсизликни таъминлаш, халқаро терроризм, экстремизм ва гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланувига қарши кураш сиёсати Марказий Осиёнинг барқарор ривожланиши учун энг муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

«Ҳақиқатан ҳам, Афғонистондан халқаро кучларнинг олиб чиқиб кетилиши миллатлараро можароларнинг кучайишига ва чуқурлашишига олиб келиши мумкин. **Шу сабабдан, Афғонистондаги мавжуд муаммоларни мувaққат ҳукумат тузиш ва сайловлар ўтказиш йўли билан ҳал этиш кечиктириб бўлмайдиган вазифа ҳисобланади.** Бу мураккаб жараёнда энг муҳим омил – янги сиёсий орган тузиш йўлида Афғонистоннинг турли сиёсий гуруҳлари орасида умумий келишувга эришишдир. Ушбу жараёнда ҳал этувчи бўғин сифатида БМТ ва НАТО каби халқаро ташкилотлар, шунингдек, қўшни мамлакатлар иштирок этиши лозим. Муваққат ҳукуматнинг тузилиши Афғонистонда барқарор давлатчиликни шакллантириш ва кўпмиллатли афғон халқининг тинч-тотув яшаши учун қулай шароитлар яратишга имконият туғдиради», деб ҳисоблайди У.Магосаки.

**Япониянинг Ниагата университети профессори Шигеки Хакамаданинг** таъкидлашича, **Афғонистон ҳудуди ташқи кучларнинг «катта геосиёсий ўйини» майдони бўлиб қолмоқда** – улар Афғонистондаги вазиятдан фойдаланиб ўз таъсир доираларини кенгайтириш ва мавқеларини кучайтиришга ҳаракат қилишмоқда. Эътиборлиси шундаки, Афғонистондаги вазиятнинг ўта нозиклиги ва унинг олдиндан айтиб бўлмайдиган оқибатларга олиб келишига қарамасдан, **ҳанузгача жаҳон ҳамжамияти ва расмий Кобул афғон муаммосини ҳал этиш бўйича ягона бир фикрга келмади,** дея фикр билдиради японялик мутахассис.

**Малайзиянинг собиқ Ташқи ишлар вазири ўринбосари, «Геракан» партияси раисининг ўринбосари, сенатор Кохилай Пилай** Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда минтақавий хавфсизликни таъминлаш борасидаги олиб бораётган сиёсати ва афғон муаммосини ҳал этишдаги ташаббус ва саъй-ҳаракатларини юқори баҳолайди. Унинг фикрича, Афғонистоннинг қўшниси сифатида **Ўзбекистон бошқа давлатларга нисбатан ушбу мамлакатда рўй бераётган мураккаб сиёсий жараёнларни аниқ ва чуқур ҳис эта олади.** Шунинг учун ҳам, Президент Ислом Каримов жаҳон ҳамжамияти эътиборини Афғонистонда ўзаро курашаётган томонлар ўртасида келишувга эришиш зарурлигини ва унинг асносида барча этник ва диний гуруҳлар манфаатини ифода этувчи коалицион ҳукумат тузишга жалб этмоқда. Фақат шу йўл билангина бу мамлакатда тинчлик ўрнатиш мумкин, дея таъкидлайди К.Пилай.

Малайзиялик яна бир эксперт, **«Binary» университети профессори Зулфиқли Ҳожи Сентери:** «Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилиши **Ўзбекистон ва Марказий Осиё мамлакатлари учун улкан бозорга эга бўлган Осиё ва Тинч океани давлатларига энг яқин масофа билан чиқиш имкониятини яратади.** Бу эса ушбу минтақаларда жойлашган мамлакатлар ўртасида савдо-иқтисодий ва инвестицион алоқаларни янада ривожлантиришга катта туртки беради. Шуларни инобатга олган ҳолда, АСЕАН ташкилотига кирувчи давлатлар ҳам Афғонистонда тинчлик ва осойишталик ўрнатилишидан ғоят манфаатдор», дея таъкидлайди.

Латвияда жойлашган **Болтиқ халқаро академияси профессори И.Стеценконинг** сўзларига кўра, Ислом Каримовнинг яхши қўшничилик, ўзбек халқининг осойишталиги ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган оқилона сиёсати нафақат Марказий Осиё, балки Европа давлатларининг ҳам тинчлик ва хавфсизлигини таъминлашга катта ҳисса қўшади. «Ишончим комилки, **Ибн Сино, Улуғбек, Беруний ва Навоий каби буюк алломаларнинг фалсафаси ва дунёқарашларини ўзида мужассам этган ўзбек халқи ўз аждодларининг меросини давом эттирган ҳолда, халқлар ва давлатлар ўртасида тинчликни сақлаш, маданий ва маърифий ҳамкорликни кучайтириш, донишмандлик, одамийлик ва бағрикенгликни тарғиб этади»,** – дейди И.Стеценко.

Мухтасар қилиб айтганда, Президент Ислом Каримовнинг жорий йилнинг 9 май куни Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан берган интервьюсига хорижий мамлакатларнинг оммавий ахборот воситалари, сиёсий, академик, эксперт ва таҳлилий доира вакиллари томонидан билдирилаётган фикр-мулоҳазалар Ўзбекистоннинг Афғонистонда тинчлик ўрнатиш, Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича чуқур ўйланган позицияси жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг қўллаб-қувватланаётганининг яққол далилидир.

**«Жаҳон» ахборот агентлиги**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

**2013 йил 31 июль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлди.**



Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси И.Собиров олиб борди.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлисини шу йил 22-23 август кунлари Тошкент шаҳрида чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сенат ялпи мажлисининг кун тартибига сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг ҳамма соҳаларини изчил ислоҳ қилиш ҳамда либераллаштиришга қаратилган бир қатор Ўзбекистон Республикаси қонунлари киритилмоқда. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ ишлаб чиқилган «Гаров реестри тўғрисида»ги, «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида»ги, «Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари шулар жумласидан бўлиб, улар тадбиркорлик муҳитини янада яхшилаш ва ривожлантириш, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилишни кучайтиришни назарда тутади.

Шу билан бир қаторда, навбатдаги ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2012 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини кўриб чиқиш ҳамда экологик хавфсизликни таъминлаш, атроф-муҳитни ва одамларнинг соғлиғини муҳофаза қилишга доир масалаларни муҳокама қилиш режалаштирилмоқда.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатларига тааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинади.

Олий Мажлис Сенати қўмиталари ва Девонининг ўн иккинчи ялпи мажлисга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ ишларини мувофиқлаштириш учун Кенгаш томонидан тегишли ишчи гуруҳ тузилди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати**



***Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллигига бағишланган «Тошкент: кеча ва бугун» мавзусидаги бадиий кўргазма очилди.***

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Бадиий академияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзА, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур кўргазманинг очилишида турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, маҳалла оқсоқоллари, хотин-қизлар қўмиталари фаоллари, маънавият тарғиботчилари, талаба-ёшлар иштирок этди.

## ТОШКЕНТ: КЕЧА ВА БУГУН

### кўргазмаси 10 августгача давом этади

Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Абдураҳимова, Ўзбекистон Бадиий академияси раиси А.Нуриддинов, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси Т.Норбоева, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Бош директори М.Ҳазратқулов, Ўзбекистон халқ рассоми Ж.Умарбеков ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида йигирма икки йил аввал қўлга киритилган истиқлол мамлакатимизда янги ҳаёт, янги жамият асосларини барпо этиш, соғлом ва мустақил тафаккурли, баркамол авлодни вояга етказиш, инсон омилига устувор аҳамият қаратиш, барча соҳаларда асрларга татигулик ислоҳотларни амалга ошириш, Ватанимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузи ва обрўсини юксалтиришга кенг йўл очиб берганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 12 июнда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарорига биноан кўтаринкилик, шоду хуррамлик билан ўтказилаётган тадбирларда бу жиҳатлар ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда.

Истиқлол йилларида Тошкент шаҳри кўркам ва замонавий қиёфа касб этди. Пойтахтимиз нафақат мамлакатимиз, балки жаҳоннинг юксак тараққий этган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-молиявий ва маънавий-маърифий марказларидан бирига, қудратли саноат ва транспорт-коммуникация тармоқлари, замонавий ижтимоий инфратузилмани ўзида мужассам этган йирик мегаполисга айланди.

Президентимиз ташаббуси билан Тошкентнинг 2200 йиллик юбилейи кенг нишонланди.

Мустақиллик йилларида Тошкентда кўплаб муҳташам иншоотлар, ижтимоий объектлар, маънавият ва маърифат масканлари, замонавий турар жойлар, сўлим хиёбонлар, маданият ва истироҳат боғлари, кенг ва равон йўллар, кўприклар, спорт-соғломлаштириш марказлари бунёд этилди. Пойтахтимиз айни пайтда халқаро миқёсдаги анжуманлар, форумлар, кўргазмалар, йирик фестиваллар, санъат байрамлари марказига айланди. Тошкент жаҳондаги ижтимоий барқарор, тинч, экологик жиҳатдан тоза ва покиза шаҳарлардан бири сифатида кенг эътироф этилмоқда. Айни пайтда бу гўзал шаҳар кўпмиллатли халқимизнинг фахри ва ғурури, тинчлик-осойишталик ва барқарорлик тимсолидир.

«Тошкент: кеча ва бугун» мавзусидаги бадиий кўргазмани ўтказишдан кўзланган асосий мақсад ҳам истиқлол йилларида Тошкентда амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорлик ва яратувчанлик ишларини фотография, рангтасвир асарлари воситасида намойиш этиш, ёшлар онгига тинч ва осойишта, саодатли кунларимизнинг, истиқлолнинг қадрига етиш ғояларини чуқур сингдиришдан иборатдир.

Кўргазмадан профессионал ва ҳаваскор мусаввирлар, фотоижодкорларнинг уч юздан ортиқ ижодий иши ўрин олган. Уларда Тошкентнинг кечаги куни, бугунги тараққиёти, обод маҳаллалари, муҳташам бинолари, тўкин ва фаровон бозорлари, умрбоқий анъана ва қадриятлари, баркамол авлод келажаги йўлида кўрсатилаётган чексиз меҳр ва эътибор акс эттирилган.













***Парламентимиз қуйи палатасида «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида», шунингдек, «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 144-моддаси ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 43-моддасига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳалари муҳокама қилинди. Фракциялараро баҳс-мунозара шаклида ўтган ушбу тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан сиёсий партиялар фракциялари ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг депутатлар гуруҳи билан ҳамкорликда ташкил этилди.***

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

## ФУҚАРОЛАР МУРОЖААТЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИККА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида инсон, унинг ҳуқуқлари ва эркинлиги олий қадрият ҳисобланган демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини қуриш йўлидан дадил бормоқда. Конституцияда фуқароларнинг ваколатли давлат органлари, муассасалар ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйилгани бунга ёрқин мисол бўла олади. Бундан ташқари, конституциявий нормалар ва кафолатлар асосида махсус қонунчилик ривожланмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил янги таҳрирда қабул қилинган «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонуни фуқароларнинг давлат органлари ва муассасаларига мурожаат қилиш ҳамда уларнинг кўриб чиқилишини тартибга солади.

Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги янги қонунда бошқа ўзгаришлар қатори кўплаб муҳим қоидаларга ҳам аниқлик киритилишини ва ушбу қонун лойиҳаси кенг муҳокама этилаётганини таъкидлади. Масалан, мазкур ҳужжатнинг таъсир доираси кенгаяди, жисмоний шахслар билан бирга юридик шахслар ҳам субъектлар сирасига киритилади, уларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солиш борасидаги ҳуқуқий бўшлиқ тўлдирилади. Мамлакатимизда ахборот технологиялари жадал ривожланиб бораётгани муносабати билан мурожаатларни электрон шаклда ҳуқуқий мустаҳкамлаш қонун лойиҳасига киритилаётган янгилик ҳисобланади.

Тадбирда «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, унинг нормалари Бухоро ва Самарқанд вилоятларида ўтказилаётган ҳуқуқий тажриба давомида синовдан ўтказилаётгани қайд этилди. Жумладан, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳасида жисмоний ва юридик шахсларнинг талаби давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан у рўйхатга олинган кундан бошлаб ўн беш кун ичида, оммавий ахборот воситаларининг талаби эса етти кундан ошмайдиган муддатда кўриб чиқилиши шартлиги кўзда тутилган.

Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлашда давлат органлари ҳамда мансабдор шахслар жавобгарлигини оширишга тааллуқли ўзгартишлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 144-моддаси ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 43-моддасига ҳам киритилади.

Мунозара чоғида сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг депутатлар гуруҳи аъзолари электорат манфаатларидан келиб чиқиб, «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг у ёки бу нормалари ҳақида ўз фикрини билдирди. Шунингдек, ушбу ҳужжатни ишлаб чиқиш бўйича миллий экспертлар, вазирлик ва идораларнинг фуқаролар мурожаатлари билан ишлайдиган ходимларини бирлаштирадиган ишчи гуруҳи аъзолари ҳам ўз таклиф ва тавсияларини киритди.

**С.ТОЖИЕВ, ЎзА мухбири**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.**

**• Хоразм вилояти адлия бошқармаси томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва тижорат банклари билан ҳамкорликда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашга бағишланган «Тадбиркорларнинг қонуний манфаати ҳимояси» мавзусида анжуман ўтказилди.**

**• Наманган шаҳридаги «Leasing bonus» масъулияти чекланган жамиятида шифер ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Мазкур бизнес-лойиҳани амалга оширишда таъсисчилар ва банк маблағлари ҳисобидан 531,6 минг АҚШ доллари миқдорида инвестиция йўналтирилди. Ҳозирда бу ерда бир кеча-кундузда 2 минг донадан зиёд шифер тайёрланмоқда. Бундан ташқари, лойиҳанинг навбатдаги босқичида цемент ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳам кўзда тутилган бўлиб, яна ўнлаб янги иш ўринлари яратилади.**

**• Урганч туманида «Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси учун 32 миллиард 669 миллион сўм ва 892,9 минг АҚШ долларидан зиёд маблағ сарфланиши режалаштирилган бўлиб, ўтган давр мобайнида салмоқли ишлар амалга оширилди. 2013 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури доирасида 2 минг 902 янги иш ўрни яратилди.**

**• Сирдарё вилоятида тадбиркорлик билан шуғулланаётган аёллар учун бизнес-тренинг бўлиб ўтди. Семинарда имтиёзли кредитлар ажратиш тартиби, тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олишда яратилган шарт-шароитлар ҳақида маълумотлар берилди.**

### ЖАҲОНДА

**• Германиянинг «BMW» компанияси электр қуввати билан ҳаракатланадиган автомобиль ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. «BMW 13» номини олган янги моделнинг тақдимоти Хитой, Буюк Британия ва АҚШда бўлиб ўтди. Маълумотларга кўра, мазкур лойиҳа устида икки йил давомида изланишлар олиб борилиб, уни ҳаётга татбиқ этиш учун икки миллиард евро ҳажмидаги маблағ сарфланди.**

**• Швейцариянинг Гранж-Пре-Марнан шаҳарчасида иккита йўловчи поезднинг ўзаро тўқнашиб кетиши натижасида ўттиз беш киши тан жароҳати олган, поездларнинг бирининг машинисти ҳаётдан кўз юмган. Қизиғи шундаки, ҳар иккала транспорт воситаси битта йўлда ҳаракатланганлиги сабабли ушбу фожиа рўй берган. Бу сўнгги бир ой мобайнида Европада юз берган учинчи темир йўл ҳалокатидир.**

**• Япониянинг «Фукусима-1» атом электр станцияси атрофида беш минг тоннадан ортиқ радиоактив суви бор ер ости ҳовузи топилди. Ҳовузда радиоактив тритийнинг миқдори бир литрга 8,7 миллион беккерел даражасида қайд этилган бўлиб, бу меъёрдан 145 марта кўпдир. Таъкидлаш керакки, ушбу сув иккинчи энергоблокдан 2011 йилнинг мартидаги кучли зилзила пайтида океан тўлқини орқали ер остига тушганидан сўнг ер ости ҳовузини ҳосил қилган.**

O'ZBEKISTON 22 МУСТАҚИЛЛИК · INDEPENDENCE · НЕЗАВИСИМОСТЬ

# ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!

## ИНСОН МАНФААТЛАРИ УСТУВОР

### (1997 йил)





**1997 йил мамлакатимизда *«Инсон манфаатлари йили»* деб эълон қилинди**. Бу Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасида белгилаб берилган мана бу қатъий қоидага жуда мос эди: ***«Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади».***

Амалда шу йилнинг номланиши билан мамлакатимизда ҳар бир йилни муҳим ижтимоий йўналишга бағишлашдек эзгу анъана бошланди.

Тўғри, 1991 йил *«Алишер Навоий йили»*, 1994 йил *«Мирзо Улуғбек йили»*, 1996 йил *«Амир Темур йили»* деб эълон қилинган. Аммо булар йилларни маънавий-маърифий йўналишлар асосида номлаш эди. 1997 йилдан бошлаб эса ижтимоий-сиёсий йўналишлар белгиланадиган ва ҳар бири бўйича махсус Давлат дастури қабул қилиниб, изчил ижро этиладиган бўлди.

Январь ойида «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фуқаро авиацияси ходими» фахрий унвони таъсис этилди (04.01), Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Бадиий академиясини ташкил этиш тўғрисида»ги фармони эълон қилинди ва унга кўра, халқ ҳунармандчилиги, тасвирий ва амалий санъат соҳасидаги энг яхши асарлар учун Камолиддин Беҳзод номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти таъсис этилди (23.01). 2006 йил 25 июлида ҳар икки йилда бир бор бериладиган Ўзбекистон Республикасининг Фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги 3 та биринчи ва 3 та иккинчи даражали Давлат мукофотлари таъсис этилди.

21 февралда «Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпоннинг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида» қарор қабул қилинди.

Вазирлар Маҳкамаси қарори билан «Жаҳон адабиёти» журнали (27 февраль), «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриётини (20 март) ташкил этиш, Аҳмад Фарғоний таваллудининг 1.200 (27 ноябрь), Камолиддин Беҳзод таваллудининг 545 (23 декабрь) йиллигини нишонлаш, «Устоз» Республика фондини тузишга (30 декабрь) фармойиш берилди (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 1 июлдаги Фармони билан «Устоз» ва «Умид» жамғармалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг Истиқболли ёш педагог ва илмий кадрлар малакасини ошириш «Истеъдод» жамғармасига айлантирилди).

25 февралда «Ўзбексуғурта» Давлат суғурта компанияси, 12 мартда Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази, 14 мартда «Кафолат» давлат-акциядорлик суғурта компанияси ташкил этилди.

20 мартда Тошкент зарбхонаси ишга туширилди.

Март ойида Тошкентда ёш олимлар ва талабаларнинг 3-Республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

3 апрелда Тошкентда «Пахтакор» футбол жамоаси ташкил этилгани ва шу ном билан аталган стадион ишга тушганлигининг 40 йиллигига бағишланган спорт байрами бўлиб ўтди.

24 – 25 апрелда биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 8-сессияси бўлди. Унда «Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида», «Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида», «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида», «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги қонунлар, Солиқ кодекси қабул қилинди.

15 майда Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамияти кенгаши таъсис этилди. 21 – 23 майда Тошкентда 30 дан зиёд мамлакат вакиллари иштирокида «Нефть ва газ – 97» биринчи Ўзбекистон халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди.

Июнь ойида Чирчиқда «Кибо – болалар пойабзали» Ўзбекистон – Германия корхонасининг очилиш маросими бўлди (13.06), Оролни қутқариш халқаро жамғармаси тузилди (18.06), Тошкентда Озарбойжон элчихонаси очилди (19.06), Тошкент вилоятининг Қибрай туманида «Ташфарм Американ Интернейшнл» Ўзбекистон – АҚШ қўшма корхонаси ишга тушди (26.06), «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази (27.06), Тошкентда «Ҳунарманд» халқ ҳунармандлари уюшмаси ташкил этилди.

Июль ойида Қашқадарё вилоятида «Кўкдумалоқ» компрессор станцияси фойдаланишга топширилди (14.07), «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони таъсис этилди (22.07; 2003 йилнинг 4 августида унинг Низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди), Ўзбекистон футболни ривожлантириш жамғармаси тузилди (23.07), Жиззахда акрил толаси ишлаб чиқарадиган фабрика ишга туширилди.

22 августда мамлакат иқтисодий ҳаётида яна бир улкан воқеа юз берди – Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ишга туширилди.

Бир йил олдин Асакада автомобиль ишлаб чиқариш заводи иш бошлагани масаланинг бир қаноти бўлди, бу – иккинчи қанот эди. Машина ўзимизда чиқса-ю, унинг ёнилғисини тамоман бошқа ёқлардан ташиб келтирсак, бу ҳам жуда қимматга тушиши мумкин эди. Қоровулбозордаги бу иншоот Ўзбекистонимиз мустақиллик йилларида бунёд этган иккинчи улкан қурилиш эди.

Заводни ишга тушириш арафасида шу объектда ёз чилласида минглаб қурувчилар шундай қизғин меҳнат қилаётган эдики, кўнгилдан: *«Агар халқ ривожланаман, яратаман деса, чинакамига тоғни талқон қилади»*, – деган умидбахш фикр кечган ўшанда. **26 август куни Самарқандда 30 дан ортиқ давлат вакиллари иштирокида «Шарқ тароналари» халқаро мусиқий фестивали тантанали равишда очилди ва 1 сентябргача давом этди. Унда Президент Ислом Каримов қатнашиб, табрик нутқи сўзлади. Мазкур анжуман ҳар икки йилда бир марта ўтказиладиган бўлди.** 2013 йилнинг августи охирида мазкур фестиваль 9-бор ўтказилади. Мамлакатимизда фестивалга жуда катта тайёргарлик кўриляпти ва у ниҳоятда юксак даражада ташкил этилишига аминмиз.

...Жаҳоннинг турли бурчакларидан келган қилни қирқ ёрадиган мусиқа мутахассислари ўзбек мумтоз қўшиқларининг аср-асрлар қаъридан сайқаллана-сайқаллана келаётган жозибасига маҳв бўлиб, секин бош чайқайди-да, аввал ичида: *«Шундай мумтоз куй-қўшиқларни яратган халқ – буюк халқ»*, – дейди. Сўнгра беихтиёр кўзлари Самарқанд Регистонининг Улуғбек, Шердор ва Тиллакори номлари билан машҳур уч буюк мадрасаси пештоқларидаги гўзал симметрик нақшларга, Қуёш ва шер аксига, шунча юзйилликларда ҳам ўчмаган ранглар жилосига, кишини мафтун этадиган ёзувларга тушади-да: *«Беш-олти аср бурун шундай буюк иморатларни бунёд этган халқ – шубҳасиз, буюк халқ»*, – деган ўйга боради. Кейин бу иккала фикрини бир ерга жамлайди-да, хаёлидан: *«Шундай буюк куй-қўшиқ яратган халқ шунга мос равишда шундай буюк иморатлар ҳам қуриши лозим эди-да»*, – деган хулосага боради. Бундан ҳам муҳимроғи – охири: *«Ўтмишда шундай юксак маънавияту маданият чўққисини забт этган халқ бугун ҳам буюк, келажакда ҳам буюклигини намоён этаверади»*, – деб баралла айтгиси келади...

## Истиқлол, салоҳият, истиқбол

**29 августда биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 9-сессиясида «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинди.** Мазкур қонун ва Дастур мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш сиёсатида туб бурилиш ясади. Биз шўро даврида шаклланган, ҳануз давом этиб келаётган эски, қолоқ, тоталитар тузумнинг бюрократик, маъмурий-буйруқбозлик даврига хос таълим тизимидан воз кечиб, уни миллий манфаатларимиз ва замон талабларига мос, ривожланган давлатлардаги бу борада тўпланган тажрибаларга асосланган янги босқичга кўтаришга киришдик.

9 йиллик мажбурий умумий ўрта таълим, 3 йиллик мажбурий-ихтиёрий ўрта махсус касб-ҳунар таълими, шу тариқа 12 йиллик мажбурий таълим тизими жорий этилди. Бакалавриат ва магистратура босқичлари ҳам – биз учун тамоман янгилик. Магистрлик илмий даража ҳисобланади. Шу тариқа фан номзоди, фан доктори илмий даражалари ёнига яна бири қўшилди.

Илмий кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш изчил давом этди. 2012 йил 24 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги фармони, 28 декабрда эса уни бажариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Шу тариқа мамлакатимизда бундан буён фан номзоди илмий даражаси берилмайди, магистр ва фан доктори илмий даражаларини олиш учун диссертациялар ёқланади, холос.

1997 йил сентябрь ойида Тошкентда «Амир Темур ва темурийлар даврида Марказий Осиё ва Европа» мавзуидаги халқаро илмий анжуман бошланиб, Шаҳрисабзда давом этди. Шу ой давомида Ботаника боғи ҳудудида янгитдан бунёд этилган Тошкент ҳайвонот боғи очилди (01.09), Самарқандда музқаймоқ, пишлоқ, сариёғ, қаймоқ ишлаб чиқарадиган «Браво-сут» янги қўшма корхонаси ишга тушди (08.09), Тошкентда Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойина» ижодий уюшмасининг таъсис йиғилиши бўлиб ўтди (10.09), Ўзбекистон судьялари ассоциацияси ташкил этилди (12.09), **Тошкентда «Марказий Осиё – ядро қуролларидан холи зона» мавзуида халқаро конференция ўтказилди (15 – 16.09),** Тошкентдаги «Фотон» акциядорлик бирлашмасида «SONY» рангли телевизорлари ишлаб чиқарила бошлади.

15 октябрда Ўзбекистон Бадиий академияси махсус жамғармаси тузилди. 19 – 20 октябрь кунлари мамлакатимиз тарихида ўчмас саҳифа бўлиб қолди. **Олдин Бухорода бу шариф шаҳарнинг, эртасига эса Хоразмда Хива шаҳрининг 2500 йиллиги халқаро миқёсда нишонланди.** Бир кун олдин Бухорода бошланган «Инсониятнинг илмий ва маданий мероси – учинчи минг йилликка» халқаро симпозиуми эртасига Хивада давом эттирилди. Жаҳоннинг кўплаб мамлакатларидан олимлар, меҳмонлар, расмий кишилар келиб, халқ ўз тарихи билан қандай фахрланаётгани, қандай бой маънавий меросга, қандай кўҳна шаҳарсозлик маданиятига эга эканини кўз-кўз қилди.

Ушбу тантаналарда Президент Ислом Каримов иштирок этиб, ёрқин нутқлар сўзлади. Давлатимиз раҳбарининг бу чиқишларида илгари сурган фикрлари амалда мустақиллик йилларида халқнинг, миллатнинг ўз тарихига қандай муносабатда бўлиши лозимлигини кўрсатиб берди.

Ана шу тарихий маросимларда ёдда қолган икки нуқтани айтиш зарур. Бухорода муҳтарам Юртбошимиз X асрда яшаган бухоролик машҳур тарихчи, ҳозиргача Ватанимиз тарихи ҳақида китоби етиб келган биринчи маҳаллий олим Муҳаммад Наршахий келтирган маълумотлар асосида шаҳарни бунёд этишда туркий халқларнинг алоҳида ҳиссаси бўлганини эълон қилди. Хивада эса Президент Ислом Каримов мазмунан ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида пайдо бўлган, шаклланган ва фаолият олиб борган ҳар қандай давлат мантиқан уч минг йиллик ўзбек давлатчилигининг таркибий қисмини ташкил этишини таъкидлади. Жаҳоннинг турли бурчакларидан келган олиму мутахассислар ҳузурида илгари сурилган бу икки муҳим нуқтаи назар тарихимизга холис муносабатнинг ўзак йўналишини белгилаб беришини унутмаслигимиз лозим.

Октябрь ойида Андижонда «Тожметалл» акциядорлик жамияти ташкил этилди, Тошкентда Марказий Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банкининг шўъба банки очилди.

Ноябрда «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури» эълон қилинди, **Ўзбекистон ЮНЕСКО Ижроия кенгаши аъзоси этиб сайланди** (04.11), Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хоразм Маъмун академиясини қайтадан ташкил этиш тўғрисида»ги фармони имзоланди (11.11), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1.200 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди (27.11), атоқли шоир, озодлик куйчиси Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон таваллудининг 100 йиллиги нишонланди (28.11).

Декабрь ойи ҳам сермазмун келди.

5 декабрда «Туркистон» саройида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 5 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда **Президент Ислом Каримов 1998 йилни «Оила йили» деб эълон қилди**.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Буюк мусаввир Камолиддин Беҳзод таваллудининг 545 йиллигини нишонлаш тўғрисида» қарор қабул қилди (23.12), биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 10-сессиясида Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси қабул қилинди (25 – 26.12), Ангренда «Ўзбекрезинатехника» ишлаб чиқариш бирлашмаси Сифат ва мукаммаллик бўйича халқаро жамғарманинг «Олтин юлдуз» мукофотига сазовор бўлди, Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг биринчи президенти Т. Н. Қори-Ниёзий туғилган куннинг 100 йиллигига бағишланган илмий сессия, шунингдек, академик Юнус Ражабий таваллудининг 100 йиллигига бағишланган тадбирлар бўлиб ўтди.

Умуман, 1997 йил тарихида мамлакат ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бошқа кўп воқеалар ҳам бўлиб ўтди. Жумладан, юқори сифатли сурков мойлари ишлаб чиқарадиган «Ўз-Тексако» Ўзбекистон – АҚШ қўшма корхонаси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси илмий тадқиқот институти, Миллий рассомлик ва дизайн институти ташкил этилди. Ўзбекистон адвокатлар уюшмаси таъсис этилди. Хоразм вилоятининг Гурлан шаҳрида енгил саноат корхонаси – «Гурлантекс» акциядорлик жамияти ишга тушди. Музей сифатида 1937 йили ташкил этилган, 1960 йилдан Ўзбекистон амалий санъат асарлари доимий кўргазмаси деб келинган ташкилот Ўзбекистон Республикаси амалий санъат музейи деб аталадиган бўлди.

1997 йили «Ўзбекистон» нашриёти муҳтарам Президентимиз **Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобини чоп этди. Бу асар дунёнинг кўп тилларига таржима ҳам қилинди.**

Ушбу китоб кўп жиҳатдан алоҳида ажралиб туради. Чунки унда ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий ва ҳам маънавий ислоҳотлар тенг миқёсда, ўзаро бир-бирига боғлиқ тарзда, комплекс равишда атрофлича таҳлил этилади.

Хуллас, «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари» китобида фақат Ўзбекистон муаммоларигина таҳлил этилмаган – бу асар жаҳон сиёсатшунослигида XX аср сўнгида яратилган фундаментал тадқиқот, глобал масалалар таҳлил этилган муҳим илмий-сиёсий ҳамда стратегик тадқиқот сифатида баҳоланди. Уни жиддий ўрганиш Ўзбекистонимизнинг ҳар бир фуқаросини амалда мамлакатимизнинг бугунги ҳаёти ва муаммолари билан бирга нафас олишга ундайди.

Истиқлолнинг ҳар бир йилида эришилган ютуқларимиз амалда бир неча ўн йилларга татийди. Чунки бунда мақсад мустақил мамлакат ривожи – бош масала.

**Олим МАҲМУДОВ**

***(Келгуси сонда 1998 йил воқеалари тафсилоти билан танишасиз).***

## Оз-оз ўрганиб доно бўлур

## МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

**Биз аждодларни қанча улуғласак, авлодлар ҳам бизни шунчалик улуғлаши шубҳасиз.**

* * *

**Ҳамма нарсанинг асоси меҳнат.**

* * *

**Доно кўрганига ишонади, эшитганига эмас.**

* * *

**Ўзига олмаганга юқмайди.**

* * *

**Нақд кетиб келаверади, вақт кетса қайтмайди.**

* * *

**Худбин ўз манфаатининг қули.**

* * *

**Яхши ниятингга баъзан бир умр интилиб етолмайсан, ёмон ният эса оғзингдан чиқиши билан бажо бўлади.**

* * *

**Шубҳа — оила дарахтига тушган қурт: у бир куни бу дарахтнинг илдизини қуритиши мумкин.**

* * *

**Кутсанг вақт ўтмай кетар, Шошилсанг етмай кетар.**

* * *

**Оила ниҳоятда мураккаб ва нозик хилқат.**

* * *

**Меҳнатнинг осони йўқ.**

* * *

**Истаганингга кўпинча етолмайсану истамаганинг қаршингдан чиқади.**

* * *

**Комиллик — бир умрлик машаққатли меҳнат маҳсули.**

* * *

**Хоҳиш бўлмаса, интилиш ҳам йўқ.**

* * *

**Истамаган интилмайди.**

* * *

**Ортиқча ташвиш ҳаммага ҳам малол келади.**

* * *

**Оғир ўйлар инсонни синайди.**

* * *

**Кибр ўти куйдиради.**

* * *

**Касофат урмай қўймайди.**

* * *

**Андиша қўл-оёғингни боғлайди.**

ЎЗГИДРОМЕТ UZHYMET
ХАБАР ҚИЛАДИ

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **2 августда** Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз кўпайиши тахмин қилинмоқда, тағмиқдори паст бўлади.*

*Тошкент шаҳрида **2 август** куни ҳаво вақти-вақти билан ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Ғарбдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси —23-25, кундузи — 38-40 даража иссиқ бўлади.*

МУСТАҚИЛЛИК – ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ НЕЪМАТ

# МОСКВА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ФИЛИАЛИ

БУГУНГИ ҲОЛАТ



АВВАЛГИ ҲОЛАТ



**Спорт янгиликлари**

## ҲАКАМЛАРИМИЗГА ИШОНЧ

***Жанубий Кореяда Шарқий Осиё футбол федерацияси Кубоги турнири ўтказилди. 2003 йилдан бери ўтказилаётган ушбу нуфузли турнирда Шарқий Осиёнинг энг кучли терма жамоалари — Япония, Жанубий Корея, Австралия ва Хитой ўзаро куч синашиб келишади. Шу пайтгача ушбу турнирда Жанубий Корея ва Хитой терма жамоаларига икки мартадан ғолиб бўлиш насиб этган.***

Жорий йилги турнирда мамлакатимиз ҳакамлари Равшан Эрматов ва Валентин Коваленко учрашувларда бош ҳакам сифатида иштирок этишди. ФИФА рефериси Валентин Коваленко нуфузли турнирнинг 2-туридан ўрин эгаллаган Жанубий Корея — Хитой учрашувида бош ҳакам вазифасини бажарган бўлса, қитъамизнинг тўрт карра энг яхши бош ҳаками Равшан Эрматов Жанубий Корея — Япония баҳсини бошқарди.

***Жорий йилнинг 4-12 октябрь кунлари футбол бўйича 19 ёшгача бўлган ёшлар терма жамоалари ўртасида 2014 йили Мянмада ташкиллаштирилган Осиё чемпионатига саралаш баҳслари бўлиб ўтади.***

## ЁШЛАР ҒАЛАБА ҚОЗОНДИ

Саралаш баҳсларининг «А» гуруҳида Алексей Евстафеев бош мураббийлигидаги Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Қатар, Туркманистон, Ҳиндистон ва Непал ёшлар терма жамоаларига қарши кураш олиб боради.

Ёшлар ўртасидаги Осиё чемпионатида муваффақиятли иштирок этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ёшлар терма жамоамиз Тошкентдаги «Чиғатой» ҳамда «Жар» стадионларида ўқув-машғулот йиғинларини ўтказди. Унда 25 нафар ёш чарм тўп усталари мураббийлар кўригидан ўтди. Йиғинлар доирасида Евстафеев шогирдлари «Пахтакор» клуби тарбияланувчилари билан назорат-ўртоқлик учрашувида куч синашдилар. Қизиқарли ва мурасасиз курашлар остида кечган беллашув ёшлар терма жамоамизнинг 2:0 ҳисобидаги ғалабаси билан якунланди. Игорь Рогованов ҳамда Элдор Шомуродов голларга муаллифлик қилишди.

## ЎЗБЕКИСТОН МЕЗБОН МАМЛАКАТЛАР ҚАТОРИДА

***Юртимизда миллионлар ўйини — футболни ёшлар ўртасида янада оммалаштириш ҳамда ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар самара бера бошлади.***

Маълумки, 2016 йилда ФИФАнинг навбатдаги Конгресси уюштирилади. Қувонарли жиҳати шундаки, ФИФА сайтининг маълум қилишича, 2016 йилги Конгрессга мезбон мамлакатлар орасида Ўзбекистон ҳам қайд этилган. Конгрессга даъвогар давлатлар — Коста-Рика, Канада, Грузия, Ямайка, Иордания, Жанубий Корея, Малайзия, Мексика, Панама, ЖАР, Таиланд, Туркия, БАА орасида мамлакатимизнинг ҳам номзод сифатида эътироф этилганлиги ўзбек футболининг келажаги порлоқ эканлигидан далолат беради.

***Жанубий Кореянинг Пенг Чонг шаҳрида «Мулинмпикс-2013» турнири бўлиб ўтди.***

## МЕДАЛЛАР ШОДАСИ

Мазкур турнирда ўзбекистонлик спортчилар илк маротаба иштирок этишди. Шарқ жанговар санъати турларидан бири — хайдонг гумдо йўналишида куч синашган спортчиларимиз болалар, ўсмирлар ҳамда катталар тоифасида қатнашиб тўртта олтин, учта кумуш ва иккита бронза медалларини қўлга киритдилар.

**Моҳинур ИСЛОМОВА,**
**ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси**

## СЕМИНАР ЯКУНЛАНДИ

***Футзал бўйича Ўзбекистон терма жамоаси қитъамиздаги етакчи терма жамоалардан бири ҳисобланади.***

Шу боис ҳам Осиё футбол конфедерацияси ташаббуси билан Тошкентда семинар ташкил этилди. Унда иштирок этган мураббийлар ҳакамлар ҳайъатига футзал бўйича тўплаган билимларини, бу борадаги янгиликлардан қанчалик хабардор эканликларини намойиш қилишди. Футзал мураббийларининг малакасини ошириш мақсадида ташкил этилган ушбу анжуман иштирокчиларига лицензиялар берилди.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

# ЧЖАН ДЭЧУАН: «ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ» АЖОЙИБ МАЙДОН ВА ҚУЛАЙ МИНБАРДИР»

***Маълумки, Ўзбекистон марварида – Самарқанд шаҳрида 25 - 30 август кунлари бўлиб ўтадиган «Шарқ тароналари» IX Халқаро мусиқа фестивалига қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Жорий йили ушбу нуфузли халқаро маданий тадбирда дунёнинг элликдан зиёд мамлакати ижодий жамоаларининг иштирок этиши кутилмоқда.***

«Шарқ тароналари» фестивалида Франция халқининг миллий мусиқий маданияти Оверн ўлкасидан келган халқ мусиқаси квартети томонидан тақдим этилади. **Мусиқий гуруҳнинг етакчи яккахон ижрочиси Сандрин Лагрелет** «Жаҳон» ахборот агентлигининг мухбири билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида қайд этганидек, ЮНЕСКО шафелигида ўтказиб келинаётган мазкур маданий анжуманнинг асосий мақсадларидан бири турли миллат ва элатларнинг бетакрор мусиқа анъаналарини асраб-авайлаш билан изоҳланади.

– Маънавий мероснинг аҳамиятини англаб етиш у ёки бу минтақа вакилларининг ҳудудга оид жуғрофий ва тарихий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда шаклланган ўзига хос жиҳатларини сақлаб қолиш имконини беради, – деди у. – «Шарқ тароналари» ўзбек халқининг маънавий бойлигини намоён этгани баробарида кўплаб мамлакатлар вакилларига дўстона ва ижодий муҳитда учрашиб, долзарб масалаларни муҳокама қилиш ва бир-бирини мусиқа тили орқали «тушуниш»га таклиф қилади. Умид қиламизки, мазкур мусиқа байрами доирасида бутун дунёдан келган истеъдодли жамоалар билан узоқ муддатли ижодий ҳамкорлик ўрнатишга муяссар бўламиз. Самарқандда томошабинлар ўлкамизнинг икки асосий миллий мусиқа асбоби бўлмиш волинка ва шарманка куйидан баҳраманд бўладилар. Биз илк маротаба Ўзбекистонга сафар уюштираётганимиз сабабли мамлакатингизнинг бутун дунёга машҳур тарихий шаҳарларини бориб кўриш бизнинг орзуимиз эканлигини ҳам шу ўринда қайд этишни истар эдим.

Сандрин Лагрелетнинг фикр билдиришича, Оверн ўлкасининг мусиқий репертуари ранг-баранг бўлиб, у мазурка, вальс, «скоттиш» бал рақси ва бошқа анъанавий мусиқа ва жанрларни ўзида мужассам этган.

**Хитой Миллий опера ва драма театри ҳузуридаги Хитой мумтоз мусиқа оркестри жамоасининг маъмури Чжан Дэчуан** ҳам яқинлашиб келаётган «Шарқ тароналари» фестивалидаги чиқиши тўғрисидаги ўз мулоҳазаларини ўртоқлашди. У мазкур фестивални маданий алоқаларни йўлга қўйиш ва мусиқа санъати соҳасида тажриба алмашиш учун «ажойиб майдон ва қулай минбар» сифатида эътироф этди.

– «Шарқ тароналари» ўзбекистонликларга ва хорижий эллар вакилларига жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари халқларининг миллий маданияти билан яқиндан танишиш имконини беради, — деди Чжан Дэчуан. – Халқаро анжуманнинг кўлами йилдан йилга кенгайиб бормоқда. Мухлисларга Хитой халқ санъати ва маънавий қадриятларининг латофатини етказиб бериш учун биз мамлакатимиздаги қатор оммабоп анъанавий фольклор мусиқасидан иборат дастурни ишлаб чиққанмизки, у миллий мусиқа асбоблари воситасида ижро этилади. Созандаларимиз томошабинларни ўзларининг маҳоратли ва кўтаринки руҳдаги ижроси билан шодлантиришга ҳаракат қилишларига ишончим комил.

Қулай фурсатдан фойдаланган ҳолда Ўзбекистон халқини тобора яқинлашиб келаётган Мустақилликнинг 22 йиллик байрами билан чин қалбдан табриклар экан, Чжан Дэчуан Хитой мумтоз мусиқа оркестри жамоаси ушбу қутлуғ сана билан боғлиқ кўтаринки кайфиятни баҳам кўришдан мамнун бўлишини ҳамда Ўзбекистоннинг буюк келажаги ва Хитой билан дўстона муносабатларининг янада мустаҳкамланишидан умидвор эканлигини айтди.

«Днипро» Украина мусиқасининг Киев академик ансамбли аъзолари ҳам мамлакатимизга янгидан-янги муваффақиятлар ва фаровонлик изҳор этди.

– Ўзбекистон Мустақиллигига бағишланган қутлуғ байрам маросимида яна иштирок этишга умид қилиб турганимиздан хурсандмиз, — деди **ансамбль директори, хизмат кўрсатган артист Олена Кулик.** — 1999 йили ушбу ажойиб тантанага гувоҳ бўлган эдик. Ўша йили Самарқандда бўлиб ўтган II «Шарқ тароналари» фестивалида ансамблимиз ижросидаги ўзбек қўшиғи — «Ялла-ялла» янграган эди. Шундан буён 13 йил ўтди, аммо бундай ажойиб, ёрқин воқеадан орттирган таассуротларимиз ҳалиҳамон идрокимиз ва шууримиздадир.

**«Жаҳон» АА**

**Архивлар фаолиятидан**

# БЕЛГИЛАНГАН МЕЪЁРЛАР АСОСИДА

***Ўзбекистон Республикаси кино, сурат ва овозли ҳужжатлар марказий Давлат архиви ҳужжатлари махсус сақловхоналарда, белгиланган меъёрлар асосида сақланади.***

Жумладан, «Каталог» хонасида барча архив материаллари ҳақидаги маълумотлар жамланган. Яъни, ҳужжатларнинг қисқача мазмуни акс этган карточка, негативдан тадқиқотчилар фойдаланиши учун позитивлар (аннотацияси билан) мавжуд. Ушбу ҳужжатлар схемалаштирилган, рақамланган ҳамда махсус каталог стеллажларига жойлаштирилган.

Таъкидлаш жоизки, архивда 1860 йилдан бошлаб, то ҳозирги кунгача бўлган даврларга оид суратли ҳужжатлар сақлаб келинмоқда. Ушбу ҳужжатлар хронологик даврларга ажратилган ҳолда сақланади ҳамда ҳисоби олиб борилади.

Биргина ҳунармандчиликни оладиган бўлсак, миллий ҳунармандчиликнинг асоси бўлган кулолчилик, ўймакорлик, гиламдўзлик, зардўзлик, заргарлик каби тармоқларда иш юритган ҳунармандларнинг суратлари мавжуд.

Архивда сақланаётган фоноҳужжатлар ҳақида гапирадиган бўлсак, улар магнит ленталари ва грампластинкалардан иборат.

Ўзбекистондан топилган қазилма ёдгорликлар, шунингдек, бизгача етиб келган ёзма манбалар ўзбек халқи мусиқа меросининг жуда қадимийлигидан далолат беради. Куй ва қўшиқлар оғиздан-оғизга ўтиб келиб мусиқа билан уйғунлашиб кўп қисмли йирик асарлар — мақомлар яратилди. Ушбу мумтоз куй ва қўшиқлар техника фани ривожи билан магнит тасмалари, грампластинкаларга муҳрланди. Бу ҳужжатларнинг кўпи архив фондига топширилди. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, архив ўзбек миллатининг қимматли меросини келажак авлодга етказиб беришдек вазифани бажараётганининг гувоҳи бўламиз. Уларнинг аҳамиятли томонлари шундан иборатки, куй ва қўшиқлар нафақат ўзбек, балки қорақалпоқ, рус, татар, туркман, араб тилларида ҳам ижро этилган. Куй ва қўшиқлардан ташқари йирик ариялардан парчалар, «Табассум», «Яхши кайфият», «Шеърият кечалари» журналларининг магнит тасмалари фоноҳужжатларнинг муҳим қисмини эгаллайди.

Архив киноҳужжатларини алоҳида таъкидлашни жоиз деб биламиз. Илк киноҳужжатлар овозсиз тарзда суратга олинган. Улар оқ-қора тасмада бўлиб, ўша даврдаги ҳаётни қисқа метражли кадрларда акс эттирган. Ҳужжатли кинофильмлар, киножурналлар, кинoочерклар киноҳужжатларнинг асосини ташкил этади. Кинофильмлар орасида ўзбек киносининг биринчи кадрларини (1908 йилда) суратга туширган Худойберган Девонов ҳақидаги фильм сақланмоқда.

Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива каби қадимий шаҳарларимизнинг кўринишлари ҳар бир ўз тарихини билишни истаган инсон учун қизиқарли бўлса керак. Киноҳужжатларнинг аҳамиятли томони шундаки, уларда шаҳар кўчаларининг эски кўринишлари, катта-катта қурилишлар ва ўша қурилишда ишчиларга маданий ҳордиқ чиқариш учун ташкил этилган концерт дастурларидан парчалар қамраб олинган.

Архив деганда кўз ўнгимизда қоғоз ҳужжатлар сақланадиган муассаса гавдаланади. Бироқ, Ўзбекистон Республикаси кино, сурат ва овозли ҳужжатлар марказий Давлат архивида сақланаётган ҳужжатлар қоғозлардан фарқли ўлароқ, кўриш, билиш ва эшитиш имконини беради ва шу жиҳати билан оддий архивларникидан фарқ қилади. Ҳар бир архивнинг асосий вазифаси тарихий ҳужжатларни сақлашдан иборат. Бу вазифа 4 та йирик устунга қурилган десак муболаға бўлмайди. Булар қуйидагилардан иборат: ҳужжатларни жамлаш; ҳужжатлар ҳисобини юритиш; уларни сақлаш ва ҳужжатлардан фойдаланишни таъминлаш.

Ушбу вазифаларни ўз вақтида, масъулият билан чин дилдан бажарсак, келажак авлод учун жуда катта мерос етказиб берган бўламиз. Фарзандларимиз, биздан кейинги авлод миллий меросимизни, тарихимизни, маданиятимизни билиши ва улардан унумли фойдаланишини хоҳлаган ҳар бир инсон бу вазифага ўз ҳиссасини қўшиши мумкин. Тарихий аҳамиятга эга бўлган ҳар қандай фото, кино ва овозли ҳужжат архив сақловхоналарида сақланишига тўла ҳақли деб ўйлаймиз.

**Зиёда МАҲКАМОВА,**
**ЎзМУ журналистика факультети 1-босқич талабаси**

**РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР**

**Ҳурматли юртдошлар!**

«Ўзбекистон» дам олиш-соғломлаштириш акциядорлик жамияти Сизларга Кисловодск (Россия) ва Ялта (Украина) шаҳарларида жойлашган «Ўзбекистон» дам олиш-соғломлаштириш сиҳатгоҳларида табиат қўйнида ҳордиқ чиқариб, соғлиғингизни тиклаб олишни таклиф қилади.

**Бизнинг манзил:** Тошкент ш., С. Азимов кўчаси, 65-уй.

**Телефонлар:** 233-55-18, 232-67-13, 233-64-92.

Хизматлар лицензияланган

Тошкент шаҳар Ер ресурси ва давлат кадастри бошқармаси томонидан 01.08.2012 йилда Мирзо Улуғбек туманидаги ТТЗ-4 мавзеси, 46-уйда истиқомат қилувчи Тоиров Рустам Тўлқинович номига берилган 4675 рақамли кадастр маълумотномаси йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9229

Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 841

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 9030 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул Д. Исроилов

Босишга топширилди: 15.00

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

1 2 3 5